

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

И. Б. Ўроқов, С.Кучиева, Ж.Эргашева
Сирдарё педагогика коллежи

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш, таълим-тарбия ишлари сифатини яхшилаш, бўлажак мутахассисларда ижодкорлик қобилиятини шакллантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ақлий меҳнати, фаоллик ва ижодий фикрлашдан иборат бўлган кўпқиррали ва мураккаб жараён ҳисобланади. Дарс самарадорлигини ошириш таълим-тарбия жараёнини илмий асосда йўлга қўйиш ва янги педагогик технологияларни амалда қўллаш билан узвий боғлиқ. Касб-хунар коллежларида инновацион фаолиятни ташкил этишдан асосий мақсад ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси ҳамкорлиги изчиллигини таъминлаш ҳамда уни аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда йўлга қўйишдан иборатдир. Бу ишда ҳам педагогик, ҳам бошқарув масалалари ҳал этилади. Шунини қайд этиш лозимки, педагогик инновациялар иштирокчилари инновацияларнинг юзага келиш, намоён бўлиш ва бошқариш жараёни қонуниятлари ҳақида методологик, психологик, педагогик, технологик билимларни пухта эгаллаши лозим. Акс ҳолда педагогик инновациялар самарали натижа бермайди.

Бизнинг фикримизча таълим тизимида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлиги ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш сифати педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш шарт-шароитларига, таълимнинг анъанавий усуллари билан мақсадга мувофиқ равишда узвий қўллашга боғлиқ. Айрим ҳолларда самарали бўлган анъанавий усуллардан воз кечиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Бу инновацияларни тажрибада синалган ва ижобий натижа бериб келаётган ўқитишга қарши қўйишдек сезилмоқда. Шунинг учун ҳам анъанавий таълим тизимидаги ижобий тажрибалар инновацияларга уйғунлаштирилса маъқул бўлар эди.

«Инновацион технология» тушунчаси таълим самарадорлигини оширувчи омиллардан фойдаланиш, турли педагогик жараёнларни лойиҳалаш ва амалда қўллаш орқали билим эгаллашни такомиллаштириш усуллари камраб олади.

«Касб-хунар таълимида инновацион технологиялар» дейилганда турли педагогик янгилликларни яратиш, қабул қилиш, баҳолаш, ўзлаштириш ва амалда татбиқ этиш жараёнини бошқариш тушунилади. Касб-хунар коллежларида яратилган шароит ва имкониятлар энг сўнгги инновация намуналарини жорий этиш учун мослаштирилгани ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини кучайтириш учун хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан бири шу вақтгача таълим мақсадлари ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни ўзлаштириб олишга қаратилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Инновацион технологиялар педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгиллик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Интерфаол усуллар таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир ўқувчининг фаоллигига, эркин ва мустақил фикр юритишга асосланади. Бу усуллардан фойдаланганда билим олиш ўқувчи учун қизиқарли машғулотга айланади. Интерфаол усуллар қўлланилганда ўқувчилар ўқитувчилар ёрдами ва ҳамкорлигида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Ўқувчилар янги билимларни илмий изланиш, тадқиқотчилик, тажриба-синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар. Илм орқали билим олиш тамойилига амал қилинади. Таълим жараёни қатнашчилари кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлашади. Ўқув

топшириқлари алоҳида бир ўқувчига эмас, балки кичик гуруҳнинг барча аъзоларига берилади. Микрогуруҳларнинг ҳар бир аъзоси топшириқни бажаришда ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат ўқувчиларда жамоа туйғусини шакллантиради ва уларнинг ташаббускорлигини орттиради. Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарсдир. Ҳозирги пайтда дарснинг хилма-хил ноанъанавий шакллари жорий этилмоқда. Бундай дарслар ўқувчининг ижодий қобилиятини ўстириш, ақлий салоҳиятини кучайтириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш ва ҳар бир янгиликни тез ва тўла қабул қила олиш кўникма ва малакаларини таркиб топтиради. Дарс жараёнида инновацион технологияларни қўллаш ўқувчиларда илмий изланишга қизиқишни уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига қараб дарсни тўғри режалаштириши, машғулот давомида барча ўқувчиларни фаол ва онгли ишлашларига эришмоғи лозим.

Шундай қилиб, инновацион фаолият таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва ўқитувчини ҳамкорга айлантиради. Дарсни қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди. Инновацияларнинг самарадорлигини аниқлашда ўқувчиларнинг фан асосларини ўзлаштириш натижаларига қараб фикр юритиш зарур. Ҳозирги пайтда ўқувчиларнинг билим эгаллашларида ахборот коммуникация воситаларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Айниқса, компьютерда ишлаш, турли тармоқлардан керакли маълумотларни излаб топиш ва ўзлаштириб олиш ўқувчиларнинг қизиқарли машғулотларига айланиб бормоқда. Фақат бунда компьютер саводхонлиги мукамал бўлиши талаб этилади. Бу ҳам инновацион фаолият бўлиб ўқувчиларда махсус билим, кўникма ва малакаларнинг таркиб топишини тақозо этади.

Педагогик касб-хунар коллежларининг барча йўналишларида информатика ва ахборот технологиялари дарс сифатида ўқитилади. Бу дарслар ўқувчиларнинг энг қизиқарли машғулотларига айланиб улгурди. Ўқувчиларга компьютерда ишлаш кўникма ва малакаларини ўргатиш билан бирга шу йўналишдаги маданиятни ҳам таркиб топтирилса маъқул бўлар эди. Айрим ўқувчилар билим олишдан кўра турли ўйинларни ўйнашга, жангориликка, «оммавий маданият» намуналаридан баҳраманд бўлишга қизиқадилар. Компьютер тармоғидаги инновацияларни таълим-тарбия олиш учун йўналтириш касб-хунар коллежлари педагоглар жамоасининг диққат марказида туриши зарур.

Педагогик инновациялар маълум миқдордаги вазифаларни ҳал этиш учун хизмат қилишга йўналтирилган бўлади. Агар ўқувчида мустақкам билим билан бирга, уни амалий фаолитда қўллашнинг кўникма ва малакалари таркиб топса, тажрибада синаб кўрилганда самарадорликка эришса, мавжуд ҳолатлар ижобий томонга ўзгартирилса, янги ғоялар устида иш олиб борилса, ҳар қандай муаммонинг ечимини атрофлича тасаввур қилинса, глобал масштабда фикр юритилса инновация қафолатланган натижани берган бўлади. Худди шундай педагогик инновациялар ҳар томонлама камол топган, баркамол авлодни тарбиялаб бериш вазифасини ҳал этади.

Касб хунар коллежларида олиб борган кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўқувчи-ёшлар бир хилликни, пассив тингловчи бўлишни, итоаткор бажарувчиликни, бировнинг фикрига қарам бўлишни (ҳатто у фойдали бўлса ҳам) ёқтирмайди. Таълим-тарбия жараёнидаги хилма-хиллик, мустақиллик, онглилик, фаоллик, эркин ва ижодий фикрлаш, ўзини «мен»ини намоён этиш, илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлиш ва янгилик яратишга интилиш ўқувчиларнинг турмуш тарзига айланиб бормоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишни энг самарали усули инновация технологиялари эканлиги маълум бўлди. Касб-хунар коллежи ўқувчиларини инновацион технологиялар асосида ўқитиш билан чекланиб қолмасдан, келажакда амалий фаолиятларида ўзлари инновация технологияларини муваффақиятли қўллашга ўргатишни асосий вазифа деб ҳисоблаймиз.